



FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 20 - sentabr

352-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

Туман ҳудудида 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида кўкаламзорлаштириш, манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 13 сентябрдаги 370-11-0-Q/22-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Туман ҳудудида 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида кўкаламзорлаштириш, манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 2 ва 9 ноябрь кунлари кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишларининг 47-сонли баёнида берилган топшириқлар ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 13 сентябрдаги 370-11-0-Q/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 2 ва 9 ноябрь кунлари кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишларининг 47-сонли баёнида берилган топшириқлар ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 13 сентябрдаги 370-11-0-Q/22-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалари экишнинг прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларни ташкилотлар кесимида экиш режаси **2-иловага** мувофиқ;

2022 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари

ҳамда қаламчаларини экиш режаси **3-иловага** мувофиқ;

2022 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларни ташкилотлар кесимида экиш режаси **4-иловага** мувофиқ;

манзарали, мевали дарахт ва бута кўчати ва қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи туман ишчи гуруҳи намунавий таркиби **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

б) туман ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳудудларда кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, тўловларни олдиндан амалга ошириш, кўчат етказиб бериш ва экиш бўйича кунлик мониторинг юритиш;

кўчат экиш ва уларни тўлиқ ундириб олиш учун суғориш ишларини ташкил этиш бўйича юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш;

ҳар ҳафтанинг жума куни кўчат экиш бўйича таҳлилий маълумотларни вилоят ишчи гуруҳига киритиш;

экилган кўчатларни парваришлаш, уларни пайҳон қилинишдан сақлаш юзасидан мониторинг олиб бориш;

ҳар ҳафтада ишчи гуруҳ томонидан таҳлилий маълумотларни тегишли равишда туман ҳокимига тақдим этиш.

4. Туман ишчи гуруҳи (Орипов, Махмудов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бшцими, тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда:

белгиланган тартибда 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида экиладиган дарахт кўчатларининг ягона электрон базасини яратиш ва электрон базага ҳудудларда экилган кўчатлар тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам киритиб борилишини ташкил этиш;

мазкур қарорда белгиланган кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, тўловларни амалга ошириш, кўчат етказиб бериш, экиш бўйича туман миқёсида кунлик мониторинг юритиш ҳамда жойларда экилган кўчатларнинг ҳолати тўғрисида ҳар ҳафтанинг жума кунлари вилоят ишчи гуруҳига таҳлилий-танқидий ахборот тақдим этиб бориш;

экилган дарахт кўчатларини мавсум давомида парваришлаш, уларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва пайҳон этилишининг олдини олиш

бўйича таъсирчан назорат ўрнатсин.

5. Белгилансинки, ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини сотиб олиш маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, манфаатдор бошқарма ва ташкилотларнинг мазкур тадбирлар учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Туман ҳокими ўринбосарлари ва мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилот раҳбарлари:

архитектура ва ландшафт Мазкур қарорга мувофиқ бир ҳафта муддатда 2022 йил куз ва уч ой муддатда 2023 йил баҳор мавсумида кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастурни тасдиқласин ҳамда экиш ишларининг назоратини юритиш учун вилоят ҳокимлигига киритсин;

хўжалик бирлашмалари ва аҳоли учун кўчатларни тизимли етказиб бериш мақсадида бозорлар ва бошқа қулай манзилларда кўчат сотиш нуқталарини ташкил этсин;

туман марказида -дизайн талаблари асосида туманга кўрк берувчи манзарали кўчатларни экиш чораларини кўрсин;

маҳаллалар, қишлоқлар, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бинолар ва уй-жойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларида (ихота) ҳамда ўрмон фонди ерларида манзарали дарахтлар ва бута кўчатларини экиш тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказсин;

кўчат экилган объектларга масъулларни бириктириш, улар томонидан кўчатларни мавсум давомида парваришlash, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда пайҳон этилишининг олдини олиш, шунингдек, мавсум якунида кўчат экилган ҳудудларни ер эгаларига топшириш, яъни кўчат экилганлиги тўғрисида баённома расмийлаштириш орқали тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин.

7. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими кўкаламзорлаштириш тадбирларига аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. “Риштон ҳақиқати” газетасига кўкаламзорлаштириш тадбирларининг аҳамияти ва уни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Н.Орипов ва Н.Махмудовлар зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi



S.Soliyev

Rishton tuman hokimining
2022 yil 20 sentabrdagi
352-11-158-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида Риштон туманида манзарали, мевали дарахт
ва бута қўчатлари ҳамда қаламчаларини экиш режаси**

минг дона

| Т/р | Худудлар номи | Жами экиладиган қўчатлар ва қаламчалар миқдори | Шундан | | шу жумладан: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Мевали ва ёнғок мевали дарахт қўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута қўчатлари | Қаламчалар | |
|-----|---------------|--|--|-------------------------|--------------|-----------------|------|----------|------|------------------|----------|--------|----------|-----------|-------|--------|--------|-------|------|-------|-------|------|------|--------------------|------------------|---------------|-------------------|---|---|------------|----------------|
| | | | 2022 сентябрь - декабрь ойларида | 2023 баҳор мавсумида | Каштан | Лола дарахти | Липа | Оккайини | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Қайрағоч | Павловния | Терак | Заранг | Акация | Чинор | Тут | Жийда | Ёнғок | Беҳи | Узум | Крим қарагайини | Виргин арчаси | Шарк туяси | Сурия атиргули | | | | Хинд сирени |
| | Риштон т | 873,8 | 327,7 | 546,1 | 1,1 | 0,2 | 0,3 | 0,0 | 5,0 | 4,8 | 3,6 | 16,5 | 12,0 | 5,0 | 34,0 | 6,0 | 7,5 | 1,4 | 80,2 | 2,4 | 37,5 | 13,4 | 7,5 | 0,0 | 1,5 | 0,8 | 4,1 | 1,0 | 88,4 | 208,1 | 331,5 |

Rishton tuman hokimining
2022 yil 20 sentabrdagi
352-11-158-Q/22-son qaroriga
2-ilova

2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларни ташкилотлар кесимида экиш режаси

Соҳалар кесимида куз-баҳор жами

минг дона

| Т/р | Худудлар | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | Шундан | | шу жумладан: | | | | | | | | | | |
|--------------------|----------------------|--|--------------|--------------|--|-------------|---|---|---|-------------------------------------|--|--|--|---|---|
| | | | | | умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ёқасига* | | қишлоқ хўжалиги ерларида ихота дарахт-зорлар барпо этиладиган ерларда | фермер хўжаликлари экин ер майдонлари четлариغا | ижтимоий соҳа (мактаб, касалхона, ўқув юртлари) объектлари ва ташкилотлар худудларида | | | | корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари худудларида | туман (шаҳар)лардаги ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги худудлар ва объектларда* | туман (шаҳар)лардаги ҚФЙ, МФЙ худудлари ва бошқа объектлар худудларида* |
| | | | | | км | сони | | | олий ва ўрта махсус таълим йўналиши объект-ларида | халқ таълими йўналиши объект-ларида | мактабгача таълим йўналиши объект-ларида | соғлиқни сақлаш йўналиши объект-ларида | | | |
| 2022 куз мавсумида | 2023 баҳор мавсумида | | | | | | | | | | | | | | |
| | ЖАМИ | 873,7 | 327,6 | 546,1 | 109 | 31,0 | 32 | 108 | 7 | 31 | 28 | 22 | 142 | 208 | 264 |
| 13 | Риштон | 873,7 | 328 | 546 | 109 | 31,0 | 32 | 108 | 7 | 31 | 28 | 22 | 142 | 208 | 264 |

Rishton tuman hokimining
2022 yil 20 sentabrdagi
352-11-158-Q/22-son qaroriga
3-ilova

**2022 йил куз мавсумида Риштон туманида манзарали, мевали дарахт
ва бута қўчатлари ҳамда қаламчаларини экиш режаси**

минг дона

| Т/р | Худудлар номи | Шундан | шу жумладан: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт қўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута қўчатлари | Қаламчалар |
|-----|-----------------|----------------------------------|--------------|--------------|------|---------|------|---------------|----------|--------|----------|-----------|-------|--------|--------|-------|------|-------|-------|------|------|---------------|---------------|------------|----------------|-------------|------|---|--|------------|
| | | 2022 сентябрь - декабрь ойларида | Қашган | Лола дарахти | Липа | Оқсайин | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Қайрағоч | Павловния | Терак | Заранг | Акация | Чинор | Тут | Жийда | Ёнғоқ | Беги | Узум | Крим карағайи | Виргин арчаси | Шарк туяси | Сурия атиргули | Хинд сирени | | | | |
| | Риштон т | 327,7 | 0,4 | 0,1 | 0,1 | 0,0 | 1,9 | 1,8 | 1,4 | 6,2 | 4,5 | 1,9 | 12,8 | 2,3 | 2,8 | 0,5 | 30,1 | 0,9 | 14,1 | 5,0 | 2,8 | 0,0 | 0,6 | 0,3 | 1,5 | 0,4 | 33,2 | 78,0 | 124,3 | |

Rishton tuman hokimining
2022 yil 20 sentabrdagi
352-11-158-Q/22-son qaroriga
4-ilova

2022 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларни ташкилотлар кесимида экиш режаси

минг дона

| Т/р | Худудлар | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | шу жумладан: | | | | | | | | корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари худудларида | туман (шаҳар)лардаги ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги худудлар ва объектларда* | туман (шаҳар)лардаги ҚФЙ, МФЙ худудлари ва бошқа объектлар худудларида* |
|-----|----------|--|--|------|--|---|--|--|--|--|---|---|--|
| | | | умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ёқасига* | | кишлоқ хўжалиги ерларида ихота дарахтзорлар барпо этиладиган ерларда | фермер хўжаликлари экин ер майdonлари четларига | ижтимоий соҳа (мактаб, касалхона, ўқув юртлари) объектлари ва ташкилотлар худудларида | | | | | | |
| | | | км | сони | | | олий ва ўрта махсус таълим йўналиши объектларида | халқ таълими йўналиши объектларида | мактабгача таълим йўналиши объектларида | соғлиқни саклаш йўналиши объектларида | | | |
| 1 | Риштон | 327,6 | 109 | 11,6 | 12,1 | 41 | 2,6 | 12 | 11 | 8,3 | 53 | 78,0 | 99,0 |

Rishton tuman hokimining
2022 yil 20 sentabrdagi
352-11-158-Q/22-son qaroriga
5-ilova

**Манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини
шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини
мувофиқлаштирувчи туман ишчи гуруҳи
намунавий таркиби**

| Т/р | Ф.И.Ш. | Лавозими |
|------------|-----------------------|---|
| 1 | <i>Н.Орипов</i> | Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2 | <i>Н.Махмудов</i> | Туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари |
| 3 | <i>И.Зўрабойзода</i> | Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i> |
| 4 | <i>Ш.Абдурахмонов</i> | Туман қурилиш бўлими бошлиғи |
| 5 | <i>С.Хайдаров</i> | Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи |
| 6 | <i>М.Махмудов</i> | Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи |
| 7 | <i>В.Каримов</i> | Туман ирригация бўлими бошлиғи |
| 8 | <i>У.Акбаров</i> | Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| 9 | <i>И.Ўринбоев</i> | Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| 10 | <i>Х.Хожихонов</i> | Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи |
| 11 | <i>М.Бобоев</i> | Туман касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси |
| 12 | <i>М.Алижонов</i> | Туман Ёшлар агентлиги бўлимининг раиси |
| 13 | <i>Ф.Уринбоев</i> | Туман ҳокимлиги бош мутахассиси, <i>ишчи гуруҳ котиби</i> |